ИСТИҚЛОЛНИНГ ЮЗ КУНИ

# МУСТАҚИЛЛИК — ХАЛҚИМИЗ ИҚБОЛИ, ИСТИҚБОЛИ

## Уни кўзқорачиғидек асрайлик

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

## ЙЎЛ БОШИДА

Ўрта Осиё марказидаги қуёшмонанд диёр, қадимий Мовароуннаҳр заминидаги ҳаётбахш юрт — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон этилганига юз кун бўлди. Атиги юз кун... Тарихга нисбатан бир лаҳза, халқимиз босиб ўтган йўлга қиёс этилса — бир қадам...

Бироқ, шул юз куннинг мазмуни, салмоғи, аҳамияти олис тарих қадар чўнг, залворли, истиқболи эса буюкдир.

125 йил давомида Россия истилосининг, 74 йил давомида большевизм зулми, қатағони ва турғунлик асоратининг азобини тортиб келган жафокаш халқимиз яккаҳокимлик занжирларидан халос бўлиб, орзиқиб кутилган озодлик ва мустақилликнинг нурли манзилига соғ-омон етиб келди.

Мустақиллик ҳақидаги қонун эълон қилинганидан буён ўтган 100 кун — атиги юз кун фуқароларимиз онгида ҳақиқий инқилоб ясади. Ўзбек халқи ўз ерига, ер устки ва ер ости бойликларига, жумҳуриятнинг жами мулкига эга бўлиш ҳуқуқи осмондан тушган, ёки четдан, кимлардир инъом этган неъмат эмас, балки асрий ўй-тафаккурлар оқибатида, изланишлар, курашлар оқибатида қўлга киритилган қонуний ҳуқуқ эканлигини чуқур англади.

Юз куннинг ҳар соати, ҳар сонияси ўйлаш, изланиш, баҳс-мунозара, топилма ва кашфиётлар билан ўтганлиги бежиз эмас. Шу қисқа муддатда диёримизда туб ислоҳотлар бошланди. Деҳқон ўз ерига, ишчи ўз корхонасига, ақлий меҳнат соҳиблари ўз ижодлари, кашфиётларига эга бўлишлари зарурлигини ҳис этмоқдалар. Мамлакат бўйлаб бозор хўжалигига ўтишнинг ҳозирги машаққатли поғонасида, энг оғир палласида бизнинг мустақил миллий давлатимиз, ҳукуматимиз ҳар бир инсонни, айниқса кексалар, ногиронлар, болаларни ўз ижтимоий ҳимоясига олмоғи ниҳоятда зарур бўлиб қолди.

Ҳозирги жуда оғир ва ўта масъулиятли даврда Президентимиз И. А. Каримовнинг халқ учун тинимсиз, жон куйдириб ишлаётгани сир эмас. Шу сабабдан ҳам 29 декабрь — сайлов кунида кўпчилик сайловчилар унинг учун овоз берсалар, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги учун овоз берган бўладилар.

Истиқлол халқимизнинг маънавий камолотига кенг йўл очиб берди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бобокалонимиз Низомиддин Мир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муқаддас замонамизда умумбашарий байрамга айланди. Республикамиз қисқа вақт ичида. Хитой, Япония, Ҳиндистон, Корея, Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия, АҚШ, ГФР, Малайзия, Бангладеш, Сингапур каби хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтириб юборди. Чет эллардаги ватандошлар билан юз кўриша бошладик.

Айни вақтда мустақил Ўзбекистон Республикаси олдида бир қанча муҳим муаммолар турибдики, булардан энг долзарби собиқ СССР ўрнига ташкил этилаётган янги сиёсий иттифоққа қўшилиш ва қўшилмаслик муаммосидир.

Кечагина РСФСР, Украина ва Белоруссия президентлари Минскда йиғилишиб, мазкур уч мустақил давлатдан иборат Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (ССГ — Содружество суверенних государств) тузиш ҳақидаги аҳдномага имзо чекдилар. Эндиликда бу ҳужжатни Москвада, Давлат Кенгашида Б. Н. Ельцин, М. С. Горбачев, Н. Назарбоев муҳокама қилаяптилар...

Хўш, бизнинг мустақил давлатимиз Ўзбекистон Республикаси уч славян давлати тузган ҳамдўстликка қўшиладими, йўқми?

Хорижда яшаётган рус ёзувчиси Александр Солженицин шу йил СССРда эълон қилинган «Биз Россияни қандай қайта тузмоғимиз керак?» сарлавҳали рисоласида юқоридаги уч славян давлатидан иборат янги жамият тузишни маслаҳат берган эди. Солженицин каромат қилганми ёки М. С. Горбачевнинг турли таклифларидан биронтаси ҳам амалга ошмагач, славян республикаларининг раҳбарлари хориждан келган башоратга амал қилишдан бошқа чора топа олмадиларми?!

Ниҳоят, ғояси кечагина туғилган янги ҳамдўстликка биз, яъни мустақил Ўзбекистон Республикаси қандай муносабат билдирамиз?

Бу — муҳим масала, тўғрироғи, давлат тузилишига доир, бўлажак иттифоқимизга бевосита алоқадор энг муҳим масаладир.

Ҳозирги даврнинг бундан муҳимроқ бошқа масаласи йўқ.

Бу масаланинг тўғри ҳал этилиши халқимиздан, унинг алломаларидан, энг аввало, Президентимиздан донолик ва башорат қила билиш каби олий фазилатни талаб қилади.

Истиқлолимизнинг дастлабки кунлари қувонч, байрамлар билан ўтди.

Ишонч, шодлик, бахтиёрлик шуъласи ҳеч қачон сўнмасин.

Руҳи баланд халқнинг омади ҳам баланд бўлади.

## БАХТ ҚУШИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини олган кундан бери қувончимизнинг чеки йўқ. Назаримда эркин учган қушга ухшайман. 130 йиллик мустамлакачиликдан кейин теккан озодлик шамоли чўккан кўнгилларни беҳад яйратди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг бу қутлуғ хушхабарни халққа етказганларига ҳам бугун 100 кун бўлди. Ўшанда Президентимиз шундай деган эдилар: «Ўзбекистон танлаган ўз ҳурлик йўлидан қайтмайди, чекинмайди, менинг ортимдаги чекинишим мумкин бўлган барча кўприклар ёниб кетган».

Мустақиллик йўлида биринчи қадамни ташладик. Бу йўл равон ва текис эмас, балки кескин курашлар майдонидир. Энди хато қилишга, янглишишга ҳаққимиз йўқ. Қутлуғ ниятлар, эзгу тилаклар, бирлик, озодлик, ҳур Республика камоли йўлида бирлашмоғимиз, аҳдлашмоғимиз даркор. Чунки мустақиллик бошимизга қўнган бахт қушидир. Эҳтиёт бўлмасак, уни учириб юборишимиз мумкин.

Халқимизнинг ҳурлик ҳақидаги асрий орзуси рўёбга чиққанига бугун 100 кун бўлди. Мустақилликнинг улуғ сабоғи шундаки, у ўз валломатлари ва йўлбошчилари билан бирга туғилади. Мен ҳар гал мустақиллик ҳақида ўйлаганимда юрагим шуурга тўлиб СССР Президенти М. Горбачевни эслайман. У Ўрта Осиё халқларини ҳам уйғотди. Уйғонганлар эса ҳеч қачон мудрамайди. Уларга Эрк, Озодлик, Ҳурлик ва Тинчлик эш.

Донишмандлар айтмишларким: «Ноумидлик пайтида умидвор бўл ва ноумидликка умид эшигини боғлай бил ва умид эшигини ноумидликка боғлиқ қилмагин». Бугун бозор иқтисодиёти шароитида турмуш кечиришда қийинчиликка рўпара келаётган эканмиз тушкунликка тушмаслигимиз лозим. Чунки биз ҳўр Республиканинг эркин фуқароларимиз. Зеро эркни, озодликни ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди.

Жумҳуриятимиз Президенти И. Каримов эрк ва озодлик йўлида хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Ишбилармонларнинг Тошкентдаги учрашуви, Ҳазрат Алишер Навоийнинг 550 йиллик муборак тўйлари тантаналари, билимдон талабаларнинг чет элларга ўқишга жалб этилиши... э-ҳе буларни санаб саноғига етмайсан, киши. Айниқса марказ учун хом ашё базаси бўлган Ўзбекистоннинг обрўси, қадр-қимматини тиклашдаги хизматлари бебаҳодир.

Аммо ҳозирги оғир вазиятда, бир кишининг тадбиркорлиги билан аҳволни юмшатиб бўлмайди. Кўпчилик бўлиб, соғлом фикрлар атрофида жипслашиб ҳаракат қилмоғимиз, қийин вақтларда бир-биримизни қўлламоғимиз керак. Ҳозир ҳар қандай гина-қудратни унутиб, юки оғир мустақиллик аравасини олға юритмоқ зарур.

Яхши одамлар нур сочаётган қуёшга ўхшайди. У дунёдаги жамики яхши-ёмонга бир хил ёғду сочади. Ёмонликларни яхшилик билан енгмоқ — уларнинг нияти. Улар эл-улус дарди билан яшайдилар. Шунинг учун ҳам яхшиларнинг қадри баланд, доимо эъзозда бўладилар. Аммо ёмонлар ҳамиша уларнинг йўлига соя соладилар.

Бугун мустақил Ўзбекистон Республикаси камоли, ўзбек халқининг тинч-осойишталиги йўлида эзгу ишларни амалга ошираётган бешта улуғ саркардамиз — Президентимиз Ислом Каримов, вице-президентимиз Шукрулло Мирсаидов, муфти ҳазратлари Муҳаммадсодиқ Муҳаммад Юсуф, шоири замон Эркин Воҳидов, аллома Эркин Юсупов каби валломатларимизни асрамоғимиз зарур. Чунки улар халқимиз шуурига ёруғлик олиб кирган чироқларимиз. Бугун мустақиллик йўлида уларнинг атрофида бирлашсак йўлимиз равон, манзилимиз бехатар, ризқимиз бутун, юртимиз тинч-осойишта бўлгай.

Насрулло ЗАБИХУЛЛО
ўғли, пенсионер.

## ЭЗГУЛИК

Узоқ йиллар давомида ўтказиб келинган мустамлакачилик сиёсати ҳаётимизни издан чиқарди, миллий туйғуларимизга жиддий путур етказди. Бунинг оқибатларини кўриб турибмиз. Она тилимиз, маданиятимиз ҳалокат ёқасига келиб қолганди. Хайриятки, кўкрагимизга шамол тегди. Ҳақ-ҳуқуқимизни, ўзлигимизни чуқурроқ англай бошладик. Бу катта гап.

1966 йилдан бери қурувчилик касбини ардоқлаб келаяпман. Инсоф билан айтиш керак: ишимиз оғир, кишидан кўп жисмоний куч талаб қилади. Қиш қаҳратонию ёз жазирамасида ҳам бирдай меҳнат қилиш керак. Акс ҳолда кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Боз устига қурилиш материаллари тақчил, иш ҳақи оз. Шунинг учун бўлса керак, айрим ёшлар қийинчиликларга тоб беролмай, бошқа соҳага ўтиб кетишади. Бундай «беқарор»лик бригадамиз аъзоларига ёт. Одамнинг юзини ерга қаратишмайди. Шу туфайли белгиланган ойлик режалари ошиғи билан бажарилиб, юқори меҳнат унумдорлигига эришилаяпти. Ҳозирги кунда район алоқа уйи биносида сўнгги бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир.

Қурувчилик касбининг шарафи, эртанги куни ҳақида ўйлаганимда марҳум устозим Рамазон Темиров кўз олдимга келади. Илк бор шу инсон мени меҳр билан қаршилаб ғишт териш, қоришма тайёрлаш, лойни пиширтиш сирларини ўргатган эди. Мана, чорак асрдирки, унинг номи ва хайрли ишлари қалбим тўрида. Баҳром Шафқатов, Аҳтам Сафаров, Тўра Раҳимов каби шогирдларимга Рамазон акадай ҳалол, оқибатли, жонкуяр бўлишни маслаҳат бераман. Эзгулик ҳеч қачон унутилмайди. Районда қуриб битказилган янги мактаблар, боғчалар, уй-жойларда озмунча тер тўкдикми? Ҳар гал уларни кўрганда қувонаман, дилим фахр ва ифтихор ҳисларига тўлади. Қурувчилик касбининг гашти шунда бўлса керак.

Она-юртимиз Ўзбекистон мустақил, деб эълон қилинганига юз кун бўлди. Сиртдан қараганда, бу унчалик кўп муддат эмас. Лекин масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, ҳурлик халқимиз тақдири ва ҳаётида, одамлар руҳиятида нақадар катта бурилиш ясаганлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Ҳа, Мустақилликнинг маънавий аҳамиятини сўз билан баён қилиш қийин. Ўзини шу юртнинг фуқаросиман, деб билган ҳар бир имонли киши лоқайд ва бетараф бўлмаслиги, эзгу мақсад йўлидаги курашдан четда турмаслиги лозим. Ана шундагина мустақиллигимизни сақлаб қола оламиз.

Т. РАЖАБОВ,
Вобкент районидаги 201-механизациялашган кўчма колонна бригадири.



Ўзбекистон халқ депутати Эътиборхон Тешабоева (суратда) Қува районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг энг тажрибали сигир соғувчисидир. Фидокор аёл шахсий ва ижтимоий ҳаётда барчага намуна. У хайрли ҳаракатлар ташаббускоридир. Бу йил қарамоғидаги ҳар сигирдан 3 минг килограммдан ошириб маҳсулот олишга эришмоқда. Сайловчиларнинг ҳар бир наказини вақтида аъло даражада бажармоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

## АСРЛАР ОША ЯШАЙВЕР

Ҳар бир халқ эркин, озод яшашни, ўзга халқлар билан дўстона маданий-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни, ўзи ишлаб чиқарган нозneъматларга эга бўлишни орзу қилади.

Етмиш тўрт йил давомида республикамиз меҳнаткашлари кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилиб, моддий жиҳатдан қадр топмай келдилар. Айниқса, қишлоқ кишисининг аҳволи ниҳоятда ачинарли эди. Ахир улар ҳам тўқ ва маданий турмуш кечиришга ҳақли эдилар-ку?! Қолаверса сабзавот, чорва маҳсулотлари, пахта, дон, пилла қадоқ қўлли қишлоқ аҳлининнинг фидокорлиги билан етиштириладн. Афсуски, машаққатли меҳнат эвазига халқ арзимас иш ҳақи оларди.

Президентимиз кейинги пайтда эл дилидаги орзуумидларни рўёбган чиқарадиган улуғвор фармонларга имзо чекди. Бундан барча касб эгалари қатори кўп сонли ўқитувчилар ва барча зиёлилар ҳам беҳад хурсанд бўлмоқдалар. Мен оддий бир ўқитувчи сифатида ўртоқ И. А. Каримов олиб бораётган сиёсатни тўла қўллаб-қувватлайман.

Ф. Энгельс номидаги Тошкент давлат чет тиллар педагогика олий билимгоҳида Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги муносабати билан ўқув гуруҳларида, ётоқхоналарда қизиқарли суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказилди. Институт ректори профессор Ж. Бўронов, проректорлар В. Тельцов, Ў. Ҳошимов, А. Содиқов, кафедра мудирларидан профессор Ж. Қалимбетов, доцентлар С. Облоқулов, Л. Шукурова, Э. Тошбеков, М. Йўлдошевалар талабаларга мустақилликнинг қадр-қиммати ҳақида тушунтириш ишлари олиб бордилар.

Ҳақиқатан озод Ватанга эга бўлиш бутун халқимизнинг асрлар оша орзу қилиб келаётган мақсади эди. Бугун Истиқлол бошланганига юз кундан ошди. Биз бу кунларга осонликча эришганимиз йўқ. Ҳали яна бизга осон бўлмайди. Шу боисдан ҳам шундай пайтда ўзаро аҳил бўлиш, сезгирлик кўрсатиш, бир-бировимизга садоқатли бўлишгина Ўзбекистон мустақиллигини турли бўлажак тўсиқлардан асрайди.

К. ЖУМАНИЁЗОВ,
Ф. Энгельс номли Тошкент давлат чет тиллар педагогика олий билимгоҳининг катта ўқитувчиси.



Фарғона вилоятида 800 дан ортиқ кооперативлар, 300 та кичик корхоналар ишлаб турибди. Улар ишсизлар сонини камайтиришда муҳим омил бўлаяпти. Вилоятда сўнгги тўққиз ой ичида 100 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланиб, аҳолига сотилди.

СУРАТДА: кичик корхоналар, кооперативлар, ишбилармонлар томонидан тайёрланган моллар кўргазмасида.

Ш. АЛИМОВ олган сурат.
(ЎзТАГ).

## БОҚИЙ БЎЛСИН

Чорвадорлар, заршунослар, соҳибкорлар онласида вояга етдим. Она қишлоғимдаги ҳар бир ўзгариш кўз ўнгимда содир бўлди. Биз турғунлик йиллари деб танқид қилаётган даврда бошимиздан кўп аламлар ўтди. Пахтакор кунига 12—14 соатлаб меҳнат қилса-да, рўёбга чиқмади. Пешона тери эвазига топширган оқ олтини учун арзимаган ҳақ олди. Йиллар мобайнида ҳаётимиз қашшоқлигича қолаверди.

Мустақилликка эришганлигимиз чиндан ҳам улуғ тарихий воқеадир. Бу бахт барчани руҳлантирди. Она қишлоқларимизга баҳорий шабада югурди. Чорвадорларимиз ўзга куч, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Шу кунгача давлатга 152 тонна серқаймоқ сут топшириб, йиллик режани ортиғи билан бажардик. Бу муваффақиятда Марҳамат Қодированинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У ҳар сигирдан 12 килограммдан маҳсулот олиб, мусобақага қизғин тус бермоқда.

Жумҳурият Президентининг ҳаётбахш фармонлари шарофати туфайли мушкулимиз осон бўлаяпти. Хонадонлардаги моллар бош сони ошиб бормоқда. «Партия XXII съезди», Охунбобоев номли, Энгельс номли, «Коммунизм», Тельман номли жамоа хўжаликлари аҳолига кўплаб қорамол етказиб бердилар. Бу йил даромадимиз чакки бўлмади. Ижтимоий муаммолар бирин-кетин ҳал этилмоқда. Ният қиламан: республикамиз мустақил, деб эълон қилинган куннинг жуда кўп улуғ саналарини биргаликда, шодухуррамлик билан нишонлайлик. Азиз Ватанимиз — Ўзбекистон гуллаб-яшнайверсин!

Ж. ҲОЖИМУРОДОВА,
Наманган районидаги «Самарқанд» давлат хўжалиги сигир соғувчиси.

## ЭНГ МУҚАДДАС ВАЗИФА

«...Йигирма икки миллионли Ўзбекистон халқи ниҳоят ҳаётдаги энг муҳим нарсани — эркинликни қўлга киритди». Бугун ана шу оддий ва содда, қимматли ва узоқ давом этган сукунатдан сўнг янграган, оғриқларга малҳам бергувчи сўзларнинг ҳаётга татбиқ этила бошланганига роппа-роса 100 кун тўлди.

1990 йилнинг 20 июнида республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ иккинчи сессиясида маънавий озодлик ва эркинликка эришиш йўлидаги дастлабки қадамлар қўйилиб, унда жумҳурият парламенти томонидан мустақиллик Декларацияси эълон қилинганди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш баёноти эса мазкур Декларацияни батамом қонунийлаштирди. Унинг матнида Ўзбекистон Республикасининг ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга ҳудуди бўлинмас ва дахлсизлиги, унинг бошқа мустақил давлатларга ҳудудий даъволари бўлмай, у ўз ҳудуди ва табиий бойликларига нисбатан олий ҳуқуққа эгалиги, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир ва ягона соҳиби эса Ўзбекистон Республикасининг озод ва мустақил халқи эканлиги таъкидланди.

Бугун ана шу воқеаларни бизга тақдим этган дақиқалар, ВАҚТ аталмиш палла яқин ўтмишга айланди. Айни пайтда Ўзбекистонни дунёнинг тараққий этган бир қатор мамлакатлари ва озодликка биздек талпинган ҳамда унга эришган қўшни жумҳуриятлар тан олаётир. Бу қувончимизнинг дастлабки кўринишларидир. Тоталитар тузум исканжасида кечирилган тунлар асоратидан қутулиш қанчалар оғир кечаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Иқтисодий танглик, унинг ички ва ташқи қатламларида рўй бераётган кутилмаган воқеалар матонатли ва заҳматкаш ўзбек халқининг метин иродаси қошида тиз чўкаётир. Ҳа, чиндан ҳам серташвиш замонамизда эркинлик, мустақиллик биз учун қимматга тушаётир. Бу аччиқ бўлса-да, ҳақиқат. Аммо тарих саҳифаларига кўз югуртирган ҳар бир шахс мустақиллик йўлида ота-боболаримизнинг қон тўкканликлари, қурбонликлар берганликларининг гувоҳи бўлади.

Етмиш йиллик истибдод... Тилимиз боғланган, динимиз топталган, ғуруру оримиз хўрланган замона панжаси орасидан тану жонимиз соғ чиқишига ишониш қийин эди. Аммо бунга эришдик.

Ер ости ва ер усти бойликларимизни вагонларга юклаб олиб кетдилар. Қоракўлимизни арзон олиб, қимматга пуллашди. Сукутга сабр бердик. Пахтамизни қайта ишлаб, қайта ўзимизга сотдилар. Бугун собиқ Иттифоқнинг бошқа мамлакатлардан олинган қарзи хусусида сўз кетганда афсуски, нисбийлик тушунчаси инобатга олинмаётир.

Ҳа, чиндан ҳам биз қардош жумҳуриятлар билан узоқ вақтгача бир қозондан туз тотдик. Умумқудуқдан сув ичдик. Аммо булар нималар ва кимлар ҳисобига амалга ошди? Маълумотларга қараганда, биз ана шу йиллар мобайнида бошқа жумҳуриятлар аҳолисига нисбатан ёмонроқ еганимиз, юпунроқ кийинганимиз рост.

Социал адолатсизликларни қоралаб келган марказнинг бугун ўзи йўл қўйган жабрситамни тан олмаётгани кишини ўйга толдиради. Ўзбекистонга «ўгай оға» назари билан қаралганини собиқлар негадир тез унутдилар. Шулар хусусида ўйлаганимда мустақиллик тушунчасининг нақадар кенг қамровли эканлигига яна бир карра иқрор бўламан. Уни бизга ҳеч ким қўшқўллаб бергани йўқ. Мустақиллик ўзбек халқ дардини англаган ва эл учун қайғура олган довюракларнинг оғир меҳнати ва уриниши натижасидир.

Ерсиз деҳқонга икки сотих ер бергани учун ишдан ҳайдалган, партиядан ўчирилган раҳбарларни кўрганмиз. Элим, тилим деганларнинг отилганлари, миллатчи саналганлари рост. Бой-бадавлат яшагани учун юртидан, бадарға қилинганларга тарих тирик гувоҳдир. Мустақиллик ҳақида ўй сурганимда шулар хаёлимга келади. Озодлик катта бахт, уни сақлаш, қадрлаш ҳар биримизга фарз ва қарздир.

М. АБДУРАҲМОНОВ.

